

Э Ё Л О Н

Андижон Давлат Университети, Тарих-иқтисод факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси

Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг «**Туркистон Мухторияти ва унинг
тақдири**» мавзусидаги

ОЧИҚ ЛЕКЦИЯСИ

АДУ Тарих-иқтисод факультети биносида, 220–ўқув хонасида, 6 март 2006 йил соат 10.00 да Тарих факультети Бакалавр йўналиши 2-курс “И”, “К”, “Л” гуруҳ талабалари учун ўтказилади. Очиг лекцияга Тарих-иқтисод факультети профессор–ўқитувчилари, докторант-аспирантлари, магистрлари ва барча қизиқувчилар таклиф этилади.

**АДУ Ўзбекистон тарихи
кафедраси мудири:**

М.Ғ. Абдуллаев

**Андижон Давлат университети
Тарих-иқтисод факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси**
**профессори Р.Т.Шамсутдиновнинг 6 март 2006 йилда “Туркистон
Мухторияти ва унинг тақдири” мавзусида ўтказиладиган Очик
лекциясига таклиф этиладиганлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вакили
2. Фан ва технологиялар маркази вакили
3. Олий аттестация ҳайъати вакили
4. ДТМ таркибидаги “Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш
бошқармаси” вакили
5. Педагог кадрлар ва таълим муассасалари Аттестация
бошқармасининг вакили
6. Олий таълим муассасаларидаги турдош кафедраларининг
тажрибали профессор – ўқитувчилари

а) Республика миқёсида: ЎЗМУ, ТДПУ, СамДУ, ФДУ, НамДУ

б) Андижон вилояти миқёсида: Анд ТПИ, АҚХИ, АДТИ, АндМИИ,
АВПМОИ

7. Вилоятда фаолият юритаётган колледж, академик лицейларнинг
юқори малакали ўқитувчилари
- а). Андижон шаҳар халқ таълими бўлими
- б). Андижон вилояти халқ таълими бўлими
- в). Андижон вилояти фан ва техника бўлими вакили.

8. Илмий – тадқиқот муассасаларининг етакчи олимлари:

- а). ЎЗР ФА Тарих институти
- б). Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази

9. Мутасадди давлат органлари ходимлари

- а). Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакили
- б). Олий ва ЎМТВ васийлик кенгаши вакили

**Ўзбекистон тарихи
кафедраси мудири:**

М.Ғ.Абдуллаев

**Ўзбекистон тарихи
кафедраси профессори:**

Р.Т.Шамсутдинов

ТАКЛИФНОМА

Мухтарам _____

Андижон Давлат университети, тарих-иқтисод факультети, Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори Р.Т.Шамсутдиновнинг “Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири” мавзусидаги Очик лексияси АДУ тарих-иқтисод факультети биносида, 220 хонада 6 март 2006 йил соат 10.00-11.20 да Тарих Бакалавр йўналиши 2 курс талабалари учун ўтказилиши режалаштирилган.

Очик лекцияга ташриф буюришингизни лутфан сўраймиз.

**Ўзбекистон тарихи
кафедраси мудири:**

М.Ғ. Абдуллаев

**Ўзбекистон тарихи
кафедраси профессори:**

Р.Т.Шамсутдинов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Андижон Давлат университети

Р.Т.Шамсутдинов

Ўзбекистон тарихи”
Маъруза матнлари

“Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири”

Маъруза брошюраланган
10 нусха

Маъруза матнлари кирилл ва янги ўзбек алфавитида 5 нусхадан
университет ахборот ресурс марказида мавжуд.

Маъруза матнининг электрон вариантыни кафедра компютеридан
“ Р.Т.Шамсутдинов ” номли электрон папкадаги “ Ўзбекистон
тарихи 2 курс” файлидан кўришингиз мумкин.

АНДИЖОН 2006 йил.

МАВЗУ: Туркистон мухторияти ва унинг таъдири

Режа

1. Туркистон Мухториятининг ташкил топиш жараёни
2. Туркистон Мухториятининг хал оммаси томонидан ыллаб-увватланиши.
3. Мухториятнинг большевиклар томонидан онга ботирилиши.
4. Туркистон Мухториятининг тарихий ахамияти.

1917 йил 27 февралда Петроградда бўлган демократик интилоб Туркистон улкасига ҳам ыз таъсирини ытказди. Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун ҳаракат бошланиб кетди. Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ылка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб олди. Туркистонга мухторият макомини бериш гоёси нафаъат демократик зиёлилар орасида, ҳатто оддий одамлар ыртасида ҳам анча оммалашган эди.

1917 йилнинг март-апрел ойлари ылканинг сиёсий уйлонишида бурилиш даври бўлди. Туркистон жаидлари, миллий зиёлилари ва ислом уламоларининг етакчилари бўлган Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Мунаввар қори (1878-1931), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев; 1882-1938), Фитрат (1886-1938), Файзулла Хўжаев (1896-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Мустафо Чўай (1886-1941), Мухаммаджон Тинишбоев (1879-1939), Шерали Лапин (1868-1919), Аҳмад Закий Валидий (1890-1970), Обиджон Махмудов (1858-1936) Ылкада янги ташкил илинган «Шуқои Исломия» (1917 йил март), Шўқои Уламо» (1917 йил июн), «Турон» Жамиятлари ва «Турк одами Марказияти (федералистлар) фиркаси» (1917 йил июл), «Иттифоқ и муслимин» (1917 йил сентябр) сиёсий партияларининг тызилишида муҳим роль уйнади. 1917 йил 7 апрелда Петрограддаги Муваққат ҳукумат қарори билан кадет Н.Н.Шчепкин раислигида Муваққат ҳукуматининг Туркистон Комитети ташкил қилинди. Комитет таркибига 9 киши қирган бўлиб, уларнинг туртаси Алихон Буқейхонов (1868-1937), М. Тинишбоев, Садри Максудов, А. Давлетшинлар туркий халқлар вақиллари эди. Кейинчалик Туркистон Комитетининг таркиби ызгартирилди.

Жаидчилик 1917 йилда маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига аллақачон қутарилган эди. Ыша 1917 йилнинг ызида тырт марта Бутунтуркистон мусулмонлари қурултойи утказилди. 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлган I қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш оёси ола қурилди. Бу оёя Туркистон халқларининг ыз миллий давлатчилигини тиклаш йылидаги дастлабки адами эди.

Бутунтуркистон мусулмонлари I қурултойининг охиқги мажлисида Марказий раҳбар орган — Туркистон улқа мусулмонлари Қенгаши (Қраймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Уни тызишдан асосий мақсад миллий озодлик шаракатига ташкили ва марказлаштирилган хусусият қасб этиш учун бир-бири билан тароқлоқада бўлган жамият, қумита ва иттифокларни бирлаштириш эди. Туркистон мусулмонлари Маркази Қенгашига Мустафо Чўай раис, Валидий бош қотиб, Мунаввар Қори, Бехбудий, У. Хўжаев, О. Махмудов, Тошпулатбек Норбутабеков, Ислон Шоахмедов ва бошқалар аъзо иилиб сайланди. Мунаввар Қори ва Садриддинхон Шарифхўжа бошчилигида Тошкент қумитаси тузилди. Шунингдек, Бехбудий раҳбарлигида Самарқанд ва Носирхон Тыра етакчилигида Фарқона бўлими ҳам ташкил топди. Марказий шуронинг органи сифатида «Нажот» (мушаррири - Мунаввар қори), кейинчалик «Қенгаш» (мушаррири — Валидий) газеталари чиқа бошлади. Шунингдек, 1917 йилда нашр илинган «Улу Туркистон», «Турон» газеталарида мухториятчилик оёси билан суқорилган мақолалар қоп қилинди. Шундай иилиб, 1917 йил баҳорида Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим адам ташланди. Тарихда илк марта Бутунтуркистон миқёсида мусулмонлар қурултойи қайрилиб, унда тўб халқларнинг мухторият томон атий

интилиши, ыз анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзини изчил туриб химоя =илиши айтилди. Бу манфаатларнинг ифодачиси былган Миллий марказ — Туркистон мусулмонлари Марказий Кенгаши ташкил этилди.

Афсуски, бирлашиш жараёнлари хар доим хам бир текис ривожланмади. Аср бошидан буён давом этаётган «жадид-адам» низолари демократик ҳаракат сафларида парчаланиш юз беришига олиб келди. Маълумки, 1917 йил 14 мартда Тошкентда «Шурои Исломия» ташкил топган эди. Аксарияти жадидлардан иборат бу ташкилот аъзолари Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар. 1917 йил июн ойида Мунаввар =ори бошчилигидаги «Шурай Исломия» ташкилотидан «Шурои Уламо» ажралиб чиқди. Шерали Лапин унинг Тошкент шубасига асос солди. Орадан кып ва=т ытмай, +ы=он шахрида хам «Шырой Уламо» жамияти тузилди. Лекин икки жамият ыртасида \оявий ихтилофлар мавжуд былиб, улар бир-бири билан келиша олмасдилар. Чунки «Шурои Уламо» жамияти дастурида ислом динининг анъанавий асослари быйича иш кыришини маълум килса-да, аслида Лапин бошчилигидаги Тошкент уламочилари аввал рус монархияси, сунгра большевизм \оялари билан ыз щаракатларини мувофиклаштиришга беҳуда уриндилар. «Шурои Уламо» жамияти ыз ма=садлари тарйботи учун «Ал-Изох» журналини чи=ара бошлади (мухаррири - Абдумалик хожи Набиев) щар икки жамият ыртасида \оявий кураш, хусусан, матбуот Сахифаларида авж олиб кетди. 1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг II =урултойи очилди. «Шурои Исломия» ташаббуси билан чакирилган ушбу =урултой хокимиятни ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари советларига беришга карши чиқди. Ушбу кырултойда =абул килинган резолюцияларда миллий демократия ызи тутадиган йулнинг муҳим асосларини биринчи марта =атыйй =илиб айтди: ҳукумат демократий сиёсат \орғизадиган былса, ана шундагина мусулмонлар бу ҳукуматда иштирок этадилар. Иккинчи кырултойда фа=ат Миллий марказ - Туркистон мусулмонлари Марказий Кенгаши минта=адаги туб ерли ахоли манфаатларини химоя =илиши мумкин деган фикр =атыйй =илиб =уйилди. 1917 йил 20 сентябрда Тошкентда былиб ытган Туркистон ва Козо\истон мусулмонларининг кырултойи «уламочилар» билан «шурои исломчилар» ыртасидаги ызо= бахсларга карамай, ниҳоят, келишиш ва муроса йулини топди. Кырултойда «Шырой Исломия», «Шурои Уламо», «Турон» ва бош=а сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йыли билан бутун Туркистон минта=аси учун умумий былган «Иттифо=и муслимин» деган сиёсий партия тызишга қарор =илинди.

+урултой ишидаги асосий масала Туркистон ылкасининг булажак сиёсий тузумини белгилаш эди. Ыша пайтда Тошкентда нашр =илинган «Улу\ Туркистон» газетасида ёзилишича, «+урултой Мулла Мухаммадхыжа эшон ва Мулла Сиддикхыжа эшонларнинг бош=арув шакли ха=идаги нутқларини тинглаб, дуою ижобат ила Туркистон Мухториятини тайин этишга жазм =илди». +урултой мухториятга «Туркистон Федератив Республикаси» деган номни =уйиб, парламент республикаси асосида тызилажак булгуси давлат тызумининг бош тамойил ва меъёрларини белгилаб берди.

Шу тарзда Туркистонда мухторият ҳукумати юзага келмасдан анча олдин жамиятнинг кенг =атламлари вакиллари, ил\ор зиёлилар бу щаракатда фаол =атнашиб, унинг пойдеворини яратишга замин хозирладилар.

1917 йил 25 октябрда (янги сана билан 7 ноябрда) =урол кучига таянган В.И. Ленин бошчилигидаги большевиклар (коммунистлар) Петроградда Мува==ат ҳукуматни ағдариб ташлаб, хо=имиятни зуравонлик йули билан эгаллашди. Россиянинг марказида юз берган во=еаларнинг акс-садоси орадан кып ытмай Туркистонга хам етиб келди. 28 октябрда Тошкентнинг янги шаҳарида европалик ишчилар ва солдатлар большевикларнинг кут=уси билан =уроли тукнашувларни бошлаб юборилди. Улар генерал Коровиченко қисмларидан устун келдилар. 1 ноябрда Коровиченко ва Мува=кат ҳукуматнинг Туркистон Комитети =амо==а олинди. Тошкентда зуравонлик йули билан совет режими ырнатилди.

Хужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб, улка шаҳарлари, вилоятлари ва уездларида ахолининг хо=имиятни советларга ытишини талаб =илувчи фаол

чикишлари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Мува==ат ҳукуматни қыллаб-қувватлаш ҳа=ида гапирилар экан, большевиклар ва бош=а экстремистларнинг ҳокимиятни советларга бериш ҳа=идаги талаблари фoш этилар, мамлакат такдирини =иладиган Таъсис Мажлисини чакириш маъ=уланарди. Демак, 1917 йил ноябр ойининг бошида большевиклар фа=атгина =урол кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳо=имиятни қылга киритишди. Бу ҳолни архивларда са=ланиб =олган ыша даврга оид қылаб расмий ҳужжатлар ҳам исботлайди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бири кейинчалик =уйидаги фикрни эътироф этишга мажбур бўлган эди: *Туркистон бир неча ын йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб келди ва бу \оя барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ызининг учмас муҳрини =олдирди. Самодержавие томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдорлар ва хизматчи унсурлардан таш=ари =атто рус темирйулчиларига ҳам ыз таъсирини ытказган эди. Шунинг учун тынтаришнинг бошидаё=, совет \о=имиятини бу ерда фа=ат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳо=имиятга ало=адор кишиларгина унда =атнашиши мумкин бўлиб, туб аҳолининг =олган қисми учун бу \оя бегона ва тушунарсиз эди».

1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ытган ылка ишчи, солдат ва дехкон депутатлари Советларининг III съездида 15 кишидан иборат ҳукумат—Туркистон ылкаси Хал= Комиссарлари Совети тузилди, унда 8 ырин сул эсерларга, 7 ырин большевиклар билан максималистларга берилди. Бирок, ҳукумат фа=ат европаликлардан иборат бўлди. Туркистон ХКС раиси лавозимини касби чизмачи бўлган большевик Ф. Колесов эгаллади, ҳарбий комиссар =илиб извошчи Перфильев, бош=а комиссарлик лавозимларига ҳам шунга ухшаганлар тайинландилар. Ҳукумат таркибига туб а=оли вакилларидан битта ҳам вакил киритилмади. Бу тасодифий \ол эмас эди. Туркистонда сыл ин=илобий сиёсий гуруҳлар, уларнинг намояндаларидан тузилган ҳукумат, биринчи галда большевиклар моҳиятан чоризм мустамлакачилик сиёсатига амал =илдилар. Шу билан бирга октябр тунтаришидан кейин Россияда бўлгани сингари, Туркистонда ҳам инкилобий а=идаларга, энг аввало синфийлик тамойилларига амал =илинди. Асосий инкилобий куч — пролетариат ва камбаʼал дехконлар, аҳолининг бош=а =атламлари эса реакцион ва эксплуататор гуруҳлар деб эълон =илинди. Мулкдорлар — эксплуататорлар, эзувчилар; миллий зиёлилар, ы=имишли, обры-эътиборли хал= вакиллари — миллий буржуазия корчалонлари ва малайлари; ислом дини раҳнаомлари — реакцион =атлам деб, уларга =арши аёвсиз кураш бошлаб юборилди.

Туркистон улкасидаги дастлабки совет Ҳукуматининг зиддиятли таркиби минта=ада европалик аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлашга =аратилган эди. «Туркистондаги мустамлакачилик ҳатто совет ҳокимияти тара==иётининг бутун бир йыналишини белгилаб берди», деб кейинчалик тан олган эди Г. Сафаров.

Маҳаллий миллатларнинг сиёсий жараёнга аралаштирилмаганлиги улка хал=ларининг совет ҳо=имиятига бўлган ишончсизлигини янада кучайтирди. Ҳатто Туркистондаги европалик аҳолининг демократик =атламлари ҳам большевиклар ва сул эсерларнинг бундай маккорона сиёсатига =арши чикдилар. Ҳукумат тузишда улур давлатчилик шовинизми акидаларига амал =илинганлиги янги ҳо=имиятнинг сиёсий фаолиятини олдиндан белгилаб берди.

Ҳокимият большевиклар қалига ытиши билан ылкада Мува==ат ҳукуматнинг барча бугинлари тугатилиб, ырнига аввало жазо органлари ва совет бош=арув тизими урнатилди. Бу тасодифий ҳол бўлмасдан, большевиклар ҳукмронлиги нафа=ат ардарилган синфлар, балки большевиклар билан келишмайдиган маҳаллий аҳолининг катта қисми устидан зуравонлик урнатилгандагина са=ланиб =олиши мумкин эди. Туркистон ХКС 1917 йил 28 ноябрда улкада кизил гвардия бўлинмалари тызиш ҳа=ида қарор =абул =илди. Бу бўлинмалар совет режими ва большевикларга қарши қутарилган дастлабки стихияли чиқишларни бостиришда фаол иштирок =илди. Шу ва=тнинг ызида Бутунроссия Фав=улодда комиссия (чека) органлари ва инкилобий

трибуналлар ташкил этилди. Пролетариат диктатурасининг бу жазо органлари озодлик ва демократияни быишда, ызгача фикрлайдиган кишиларни =илишда мухим =урол былди ва Ватанимизнинг янги тарихида ызининг машъум асоратларини колдирди.

Туркистон ХКС 1917 йил охирларида ыз =арори билан «ШуроИ Исломия» ва бош=а махаллий демократик ташкилотларни таркатиб юборди. Бу ташкилотларнинг рахбарлари кейинчалик Туркистон Мухторияти ҳукуматига =ышилдилар, айримлари исти=лолчилик ҳаракатига \оявий рахнамолик кдлдилар. Шуниси характерлики, «ШуроИ Уламо» ташкилотининг Тошкент шуъбаси фа=ат 1918 йил 13 майда ёпиб =уйилди. Шундай =илиб, даставвал Россия марказида қарор топган совет режими Туркистон улкасида ҳам урнатилди. Зуравонлик ва хал=ларни эзишга қаратилган совет режими ызининг илк кунларидан бошлаб Туркистондаги туб хал=дарга нисбатан мустамлакачилик сиёсатини юритди. Чор Россиясининг мустамлакачилик тизими совет Россияси даврида янада такомиллаштирилди. Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар =абул қилиниши Туркистонда миллий ҳаракатнинг кенг қылоч ёйганидан далолат берар эди. Бирок, юқорида қырсатиб утилганидек, Петрограддаги октябр тынтариши оқибатида 1917 йил октябр-ноябр ойларида Туркистон ылкасида, хусусан, Тошкент ва +ы=онда юз берган во=еалар миллий озодлик щаракатини бутунлай бош=а йыналишдан кетишга мажбур =илди.

1917 йил 26-28 ноябрда +ы=он шахрида Туркистон улка мусулмонларининг фав=улодда IV =урултойи былиб ытди. +урултой ишининг бутун тафсилотлари ыша давр газеталарига тарих учун муҳраб =ыйилган.

Мустафо Чы=ай =урултойни очар экан, Россия ва Туркистоннинг сиёсий ва и=тисодий ахволи хусусида маълумот беради. Унинг айтишича, Марказда юз бераётган во=еалар, чекка ылкаларни ва шу билан бирга Буюк миллий инкилобни қутқарув йылларини мустақил муҳокама этувини такозо қилур. Октябр ҳунрезлигини бошдан кечирган Россия ва Туркистон ыз тақдирлари ха=ида мулоҳаза юритмо=лари лозим.

Маълумки, мусулмонларнинг ушбу нуфузли =урултойи ва унда =абул =илинган қарорлар узо= йиллар давомида миллатчилар гуруҳининг йигинидан эълон =илинган буржуа мухторияти деб ноты\ри тал=ин =илиб келинди. Ҳужжатлар эса ушбу ҳолнинг бутунлай акси былганлигини исботлайди. Масалан, Туркистон жаидларининг отаси саналган Бехбудий ыз маърузасида қырултойнинг Туркистон хал=лари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурилиш даври эканлигини таъкидлаб, «Қырултойимиз =абул =илаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон ақолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоздалар», дейди. Бехбудий ва Обиджон Махмудов қырултой хайъатида мусулмонлар билан бир =аторда бош=а миллий гуруҳларнинг ҳам вакиллари былишини ё=лаб чи=ди.

Туркистонни бош=ариш шакли уч кун давом этган =урултойнинг ди==ат марказида турди. Бу масала муҳокамасида сызга чикканларнинг қыпчилиги Туркистоннинг мухтор республика деб эълон қилиниши улка аҳрлисининг ижтимоий ма=садларидан келиб чиккан ва унга мос тушишини у=тирди. Мухторият ва мустақиллик эълон =илиш фикрини ҳамма қыллаб-=увватлади. +урултойда 1917 йил 27 ноябр (янги ҳисоб билан 10 де=абр) қуни кеч=урун =абул =илинган =арорда шундай дейилади: «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия ин=илоби даъват этган хал=ларнинг ыз ҳуқуқларини ызлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жихатдан мухтор деб эълон =илади, шу билан бирга мухториятнинг =арор топиш шакллари Таъсис Мажлисига ҳавола этади». +урултой Туркистонда яшаб турган миллий озчилик ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя =илинишини тантанали равишда эълон =илди.

28 ноябр (янги ҳисоб билан 11 декабр) да таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи ани=ланиб, Туркистон Мухторияти, деб аталадиган былди. Қырултой ыша қуни йи\илишда Бутунроссия Таъсис Мажлиси ча=ирилгунга =адар ҳокимият Туркистон Мува==ат

Кенгаши ва Туркистон Хал= (Миллат) Мажлиси кылида булпши керак, деб =арор =абул =илди. +урултойда Туркистон Мува==ат Кенгаши аъзоларидан 8 кишидан иборат таркибда Туркистон Мухторияти ҳукумати тузилди. Ҳукуматнинг Бош вазири ҳамда ички ишлар вазири этиб Мухаммаджон Тинишбоев сайланди. Ислоҳ Султон ыгли Шоахмедов — Бош вазир ыринбосари, Мустафо Чу=ай — таш=и ишлар вазири, Убайдулла Хужаев - харбий вазир, Хидоятбек Юргули Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Махмудов — ози=-ов=ат вазири, Абдурахмон Ырозаев — ички ишлар вазирининг ыринбосари, Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири лавозимларини эгаллади. Ҳукумат таркибида кейинчалик айрим ызгаришлар юз берди. Мустафо Чукай Бош вазир лавозимини бажаришга киришди. Вазирлардан уч киши олий маълумотли ҳукукшунос, икки киши Ыртача малакали ҳукукшунос эканлиги мухторият ҳукумати аъзолари билим даражасининг нақадар ю=ори эканидан далолат беради.

+урултойда 28 ноябр куни Туркистон Миллат Мажлиси очилиши ту\рисидаги қарор шам тасдиқланди. Миллат Мажлиси 54 нафар аъзодан иборат былиб, =урултой қарорига биноан «36 нафар мусулмонлар ва 18 нафар \айри мусулмонлардан сайланадур. 36 мусулмон вакиллари Туркистоннинг 5 вилоятидан былиб: Фар\она — 10 нафар, Самар=анд — 5 нафар, Сирдарё — 9 нафар, Еттисув — 6 нафар, Закаспий ~ 2 нафар; 4 нафар эса бутун Туркистон шаъар думалари тарафидан тайин булурлар». 18 нафар ырин эса улканинг европалик ташкилот ва фу=ароларига, жумладан, темирйулчилар иттифоқи, ишчи ва солдат депутатлари совети, со=иал-демократлар, дашно=цутюн, ерлик жухудлар, яхудийлар, эсерлар, украинлар, поляклар вакиллари ва бош=аларга берилиши кызда тутилган эди. Демак, ташкил этилаётган ҳукумат таркибига турли сиёсий ва миллий гуру\вр вакилларининг =атнашуви кызда тутилди. Демократик руҳлагги миллий зиёлилар кырултойда =абул =илинган дастурий ҳужжатларга ызига хослиги билан ажралиб турадиган хал=чил ва демократик рояларни киритишди.

+урултой жараёнида Туркистон Миллат Мажлиси 32 кишидан иборат =илиб сайланди. «Шырои Уламо»нинг раҳбари Шерали Лапин Миллат Мажлиси таркибига унинг раиси сифатида киритилган былса ҳам, аммо унинг ызи бу таклифни рад этди.

+урултой тугагач, 1 де=абрда Туркистон Мухториятининг Мува==ат ҳукумати аъзолари (барча 8 киши) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон килинди. Ушбу Мурожаатномада Туркистондаги барча аҳоли, ирки, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътиқодларидан =атий назар, яқдиллик ва ҳамжихатликка даъват этилган эди.

Орадан кып ытмай Миллат Мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар эълон килинди, шунингдек, янги ҳукумат мамлакат Конституциясини тайёрлаш учун тани=ли ҳукукшуносларни жалб =илди. «Эл байро\и», «Бирлик ту\и», «Свободний Туркестан», «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» каби ҳукумат газеталари ызбек, =озо= ва рус тилларида нашр килина бошланди. Аввал чи=аётган «Улу\ Туркистон» газетаси ҳам ыз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ырин бера бошлади. Нашр ишларини яхшилаш учун О. Махмудовнинг босмаҳонаси ҳукумат ихтиёрига ытди. Мухторият ҳукумати миллий кушинни ташкил =илишга киришди. 1918 йил бошида бу кушин сафларида бир мингдан орти= аскар былган. Харбий вазир Убайдулла Хыжаев иштирокида ытказилган кырик-парад ва=тида аскарлар сони 2000 кишига етган. Бундан таш=ари Қуконда тахминан шунча миршаблар бор эди. Ҳукумат и=тисодий соҳада 30 миллион сум микдорида ички заём чикаришни йулга =ыйди. Чунки газеталарни нашр =илиш, мухторият =ышинларининг таъминоти ва ҳукуматнинг ички харажатлари учун маблар зарур эди. Шунингдек, ҳукумат аъзолари очлик чангалида қолган Туркистон аҳолисига Оренбург ор=али \алла келтириш муаммосини хал =илиш учун ҳам амалий к;адамлар ташлади. Туркистон Мухторияти ҳукумати қиска муддат ичида хал= ыртасида қатта эътибор қрзонди. Янги ҳукумат фаолияти фа=ат

=ы=онда ёхуд Фар\она водийсида эмас, балки бутун Туркистон минта=асида яшаётган туб ерли хал=лар томонидан қиз\ин қыллаб-қувватланди. Фитрат, Чулпон, Хамза мухторият ҳукуматини ал=аб, шеърлар битишди. Фитрат мухторият эълон =илинган 27

ноябр тунини «Миллий Лайлатулкадримиз» деб атади. Аллома Фитратнинг бу сизларида олам-олам маъно мужассамлашган.

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрда бўлиб ўтган фожиа воқеалар муҳим урин тугади. Ўша кун Тошкентда эски шаҳар аҳолиси «Мухтор Туркистон учун!» шиори остида тинч байрам намойишини ўтказди. Аммо Тошкент Советидаги большевиклар шаҳарда қиролли қуч билан тартиб ўрнатишга буйруқ берадилар. Оқибатда тинч қамойиш қатнашчилари пулемётдан ығна тугилди, эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув нурбони бўлди.

Мухтор ҳукуматнинг халқ ыртасидаги обрў-эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб қўйди. 1918 йил 19-26 январ (янги ҳисоб билан 1-8 феврал) да Тошкентда бўлган Туркистон улқаси ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг фаввўлодда IV съёздида мухторият масаласи асосий ёринда турди. Съезд Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини онундан ташқари ҳолатда деб, ҳукумат аъзоларини қамокка олиш тытрисида қарор чиқарди. Большевиклар ёзларининг бу қабих ва мудҳиш «хукми»ни амалга оширишга зудлик билан киришдилар.

30 январ (янги ҳисоб билан 12 феврал) да Туркистон ХКС мухторият ҳукуматини тугатиш учун харбий шаракатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун кизил аскарлардан ташқари арманларнинг «Дашно-цутюн» партияси аъзоларидан тузилган ўролли тыдалардан ҳам кенг фойдаланди. Уларга қарши дастлабки жангда мухториятнинг миллий қушинидан ташқари ёғонлик тинч ахрли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, чыкич, таёғ қытарган ҳалойиқнинг сони 10000 кишига етди. Шунга қарамай, ўролсиз бу кишилар кизил аскарларнинг ёғон шахрига ҳужумини ўч кун давомида мардонавор қайтардилар. Шаҳар устига ўч кун давомида тўплардан ёндирувчи снарядлар отилди. Мухторият қушинининг тирик қолган қисми Кичик Ёргаш қырбоши бошчилигида шаҳардан қықиб кетди. Туркистон Мухторияти ҳукумати кизил аскарлар ва дашноқларнинг қонли ҳужумлари оқибатида ақдариб ташланди. Аммо ёғон ва унинг атрофидаги тинч аҳолини талаш, ёлдириш авжига чикди. Фақат ёғоннинг ёзида ўч кун давомида 10000 киши ёлдырилди. Шаҳар буткул вайронага айлантырилди. Ҳукумат бошлиқ Мустафо Чықай шаҳарни тарк этиб, яширинишга мажбур бўлди. Вазирларнинг айримлари ҳалок бўлди. Баъзиларини большевиклар қылга олишди.

«Улу Туркистон» газетаси қўру қайғу билан ҳабар берганидек, «20 (эски ҳисоб билан 7) феврал Ҳуанд (ёқон) тарихининг энг даҳшатли кунн эди. Арманилар айрича фаолият қырсаганлар...». Газетадаги УШбу мақола «ёғон ҳозир ёликлар шахри», деган даҳшатли ибора билан тугайди.

Нихоят, 1918 йил 22 (эски ҳисоб билан 9) февралда ёғон шахридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган «тинчлик Шартнома» имзоланди. Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 кун умр қырган бўлса ҳам, ў эрксевар халқимизни миллий мустақиллик ва истиклол учун курашга даъват этди. 1918 йилнинг эрта баҳорида аввал Фарғона водийсида, сунгра бутун Туркистонда истиклолчилик шаракати бошланди. Аммо бу даврга келиб Туркистон Мухториятини тор-мор этиб, улқада якка ҳукмрон бўлган, ўрол ва зыравонликка таянган большевиклар минтақада советча андозадаги автономия (мухторият) ни ташкил этишга киришган эдилар.

1918 йил январ ойидаёғ большевиклар Туркистон Мухториятига қарши Туркистон автономиясини тузиш масаласини қутаришган эди. Бу муаммо фақат Туркистон Советларининг V съёздида (1918 йил 20 апрел - 1 май) халқилинди. Съезд Россия Совет Социалистик Федерацияси таркибида Туркистон республикаси тузиш тытрисида қарор қабул килди. Туркистон республикасининг Марказий Ижроия Комитети (МИК) ва ХКС сайланди. Улар таркибига илк марта тўб миллатларнинг вакиллари киритилди. Шунингдек, съездда саноат қорхоналарини национализация қилиш ва бошқа айрим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Шундай қилиб, совет Россияси таркибида Туркистон автоном республикаси ташкил қилинди.

**Андижон Давлат университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси**

Очиқ лекция материаллари

Ўзбекистон тарихи

“Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири”

Очиқ лекция жихозлари

1. Мавзуга оид кўргазмали қуроллар
2. Мавзуни ёритадиган расмлар, ҳужжатлар
3. Мавзуга оид суратлар
4. Мавзу матнининг алоҳида тарқатма материали

АНДИЖОН 2006 йил

Андижон Давлат университети Тарих-иқтисод факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси йиғилиши баённомасидан кўчирма

6 март 2006 йил.

Андижон шаҳри

Қатнашдилар: Ўзбекистон тарихи кафедраси аъзолари, таклиф этилганлар, АДТПИ доценти, эксперт О. Аҳмаджонов

Кўрилган масалалар:

1. Профессор Р.Т. Шамсутдиновнинг очик маърузаси муҳокамаси

Кафедра профессори Р.Т.Шамсутдиновнинг “**Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири**” мавзусидаги очик лекцияси ҳақида фикр билдириши учун йиғилиш раиси М. Абдуллаев сўзни АДТПИ доценти, эксперт О. Аҳмаджоновга берди. О. Аҳмаджонов очик лекция унга қўйиладиган талаблар даражасида ўтказилганини, маърузачи, профессор Р.Т.Шамсутдинов техник воситалар, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланганлигини таъкидлади. Маъруза илмий, илмий – услубий жихатдан юқори савияда ўтказилди. профессор И.Алимов, кафедра мудири М.Абдуллаевлар ҳам очик лекция ҳақида ижобий сўзладилар.

Барча мажлис қатнашчилари очик лекция ҳақидаги ижобий фикрларни маъқулладилар.

Кафедра йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори Р.Т. Шамсутдиновнинг Тарих факультети бакалавр йыналиши 2 босқич талабалари учун Ўзбекистон тарихи фанидан ўтказган очик маъруза дарси юқори савияда ва аъло даражада ташкил этилган деб хисоблансин.
2. Очик дарсда қўлланилган усул ва техник воситалардан фойдаланиш намунали деб топилсин.
3. Профессор Р. Шамсутдиновнинг ўтказган очик маъруза дарси кафедрада оммалаштирилсин.

Йиғилиш раиси:

т.ф.н. М. Абдуллаев

Йиғилиш котиби:

кат. ўқит. Д. Собирова.

Андижон Давлат университети

Тарих-иқтисод факультети

Ўзбекистон тарихи кафедраси

Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг “Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири” мавзусидаги Очик лекциясига

ТАҚРИЗ

Профессор Р. Шамсутдиновнинг ушбу дарси жуда юқори савияда, намунали даражада ўтказилди. Дарсга жуда яхши тайёргарлик қўрилган. Энг мухими очик дарсда кўргазмали қурооллардан, турли ноёб архив манбаларидан кенг фойдаланилди. Маъруза дарси замонавий педагогик технологияларга мос тарзда, яъни мунозарамулоқот, сухбат усулида ўтказилди. Дарс давомида профессор Р. Шамсутдинов фойдаланган кўргазмали қурооллар, турли расмлар, ҳужжатлар, хориждан олиб келинган китоблар дарснинг жуда қизиқарли, мазмунли бўлишига катта таъсир кўрсатди. Бу воситалардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилди. Дарсда талабалар ҳам жуда фаол иштирок этдилар. Умуман, профессор Р. Шамсутдиновнинг очик маъруза дарси замон талабалари даражасида, юқори савияда ташкил этилди ва ўтказилди. Дарсда вақт меёрларига ҳам тўла риоя қилинди. Дарс давомида талабалар ушбу мавзу режалари ҳақида тўла билим ва тушунчага эга бўлдилар. Мен ташқи эксперт сифатида профессор Р. Шамсутдиновнинг бугунги очик маъруза дарсини аъло даражада деб баҳолайман.

Ташқи эксперт, АДТПИ доценти:

О. Ахмаджонов

**Андижон Давлат университети
Тарих-иқтисод факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси
Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг “Туркистон Мухторияти ва
унинг тақдири” мавзусидаги очик лекциясига**

Т А Қ Р И З

Профессор Р. Шамсутдиновнинг очик дарси жуда юқори савияда ўтказилди. Очик дарсда мавзуга доир кўпгина ҳужжат ва расмлардан, турли китоблардан, кўргазмали қуроллардан фойдаланилди. Энг муҳим томони техник воситалардан фойдаланганлиги дарсининг жуда қизиқарли, жонли ўтишига сабаб бўлди. Мавзу бўйича тайёрланган кўргазмали қуроллардан самарали фойдаланилди. Профессор Р. Шамсутдиновнинг Тарих факультети 2 босқич талабалари усун ўтказган очик маъруза дарси талабаларда ва кузатувси ўқитувчиларда жуда катта таассурот қолдирди. Менинг фикримча бу дарс жуда юқори даражада ўтди, дарсни аъло даражада деб баҳолаш мумкин. Бу каби очик дарсларни кафедрада кўпроқ ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Ўзбекистон тарихи
кафедраси профессори:**

И.Алимов

**Андижон Давлат университети
Тарихи-иқтисод факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси
Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг “Туркистон Мухторияти ва
унинг тақдири” мавзусидаги Очик лекциясига**

Т А Қ Р И З

Тарих факультети Бакалавр йўналиши 2-курс талабалари учун профессор Р.Т.Шамсутдинов томонидан ўтказилган ушбу очик маъруза дарси замонавий техник воситалар, кўргазмали куроллар, турли-туман расмлар, ҳужжатлар, тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Маъруза дарсида талабаларга Туркистон Мухториятининг ташкил этилиши ва унинг аянчли тақдири, унинг тарихий аҳамияти ҳақида кенг ва атрофлича тушунча берилди. Дарс суҳбат, мунозара усулида ташкил этилди, дарсда талабалар ҳам жуда фаол иштирок этдилар. Дарс давомида мунозарали саволлар ўртага ташланди ва бу саволларга умумий ечим дарс давомида топилди.

Умуман профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг ушбу очик дарси жуда юқори савияда ўтказилди. Дарсни намунавий дарс деб ҳисоблашга тўла асос бор. Бу очик маъруза дарсини ижобий баҳолайман.

**Ўзбекистон тарихи
кафедраси мудири:**

т.ф.н. М. Абдуллаев

Андижон Давлат университети
Тарих-иқтисод факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси
Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг “Туркистон Мухторияти ва
унинг тақдири” очик лекцияси юзасидан АДУ ректори,б.ф.д.
Т.А.Мадумаровга

М А Ё Л У М О Т Н О М А

1. ОЎМТВ нинг 26.03.2004 йилдаги №79 рақамли “Очик лекция”ларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги буйруғи ва Низомига асосан, 2006 йил 6 мартда Тарих факультети Бакалавр йўналиши 2-босқич талабалари учун Ўзбекистон тарихи фанидан **“Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири”** мавзуида Очик лекция ўтказилди.
2. Очик лекция унинг низомига асосланиб, маърузачи профессор Р.Т.Шамсутдинов томонидан ушбу мавзу тайёрланди, ўтказилди ва ижобий якунланди. Бунинг учун:
 - а). Очик лекцияга таклиф этилувчилар рўйхати ва таклифномалар (30 нусхада) А4 форматда маърузадан 15 кун илгари тайёрлаб кафедрага ва АДУ бўлимларига, экспертларга юборилди.
 - б). “Очик лекция” ҳақидаги “Эълон” 2 нусхада Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири имзоси билан факультет ва университет “Эълонлар доскаси”га чиқариб қўйилди.
3. 2006 йил 6 мартда соат 10.00 да Тарих-иқтисод факультетининг 220 аудиториясида Тарих факультети Бакалавр йўналиши 2–босқич талабалари учун профессор Шамсутдиновнинг **“Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири”** мавзусидаги “Очик лекция”си тинглаб таҳлил қилинди.
4. “Очик лекция” тугаши биланок таклиф қилинганлар ва иштирокчиларнинг фикр–мулоҳазалари, таҳлиллари кафедра йиғилишида эшитилди ва шу асосда кафедра қарори қабул этилди. Йиғилиш хулосаси ва қарори: профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг Очик лекцияси илмий ва услубий жихатдан юқори савияда, янги педагогик усуллардан фойдаланиб, кўргазмали куроллар билан, таълим тамойилларига асосланган ҳолда қизиқарли ва ижобий ўтказилди деб эътироф этилсин.

Ўзбекистон тарихи
кафедраси мудири:

т.ф.н. М. Абдуллаев

**Андижон Давлат университети
Тарих-иқтисод факультети
Ўзбекистон тарихи кафедраси**
**Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг “Туркистон Мухторияти ва унинг
тақдири” мавзусидаги “Очиқ лекцияси”си юзасидан ЎзР ОЎМТВ вазир
ўринбосарига**

М А Ё Л У М О Т Н О М А

1. ЎзР ОЎМТВ нинг 26.03.2004 йилдаги №79 номерли “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги буйруғи ва Низомига асосланиб, 2006 йил 6 март куни, АДУ тарих-иқтисод факультетининг Тарих бакалавр йўналиши 2 – босқич талабаларига (46 нафар талаба) Ўзбекистон тарихи фанидан **“Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири”** мавзусида профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг Очиқ лекцияси ўтказилди.
2. Очиқ лекцияда талабалар, кафедра аъзолари, аспирант ва магистрлар таклиф этилганлар, ташқи эксперт Андижон тиллар педагогика институти доценти О. Ахмаджонов иштирок этдилар.
3. Очиқ лекциядан сўнг кафедра йиғилишида иштирокчиларнинг оғзаки ёки ёзма фикрлари, тақризлари тингланди, қабул қилинди ва маъруза чуқур таҳлил қилинди. Мулохазалар асосида кафедра йиғилиши хулосаси ва қарори қабул қилинди.
4. Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг **“Туркистон Мухторияти ва унинг тақдири”** мавзусидаги Очиқ лекцияси юзасидан қуйдаги хулосаларни ҳавола этиш мумкин:
 - а). Маърузачи Очиқ лекцияни содда ва раво тилда, ходиса моҳиятини лўнда ва тушунарли ҳолда, намоёишлар, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллардан самарали фойдаланиб, мунозарали усулда қизиқарли баён этди;
 - б). Маърузачи ушбу Очиқ лекцияни илмий ва услубий жихатдан юқори савияда, таълим принциплари асосида, педагогик технологиялардан фойдаланиб, талаб даражасида мувоффақиятли баён этди.

**Андижон Давлат университети
ректори, профессор:**

Т.А.Мадумаров